

ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ЗАМОНАВИЙ АЛОҚА ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ

Дилмурод Хўшбоқов

Ўзбекистон Миллий университети мустақил тадқиқотчиси

E-mail:dilmurodx@mail.ru

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7215276>

Калит сўзлар: мулоқот маданияти, миллат, ижтимоийлашув, муносабат, тарихий жараёнлар, маънавий қадриятлар.

Keywords: communication culture, nation, socialization, attitude, historical processes, spiritual values.

Кириш. Миллатлараро мулоқот маданияти – шахсинг бошқа халқларга уларнинг вакиллари билан бавосита ёки бевосита мулоқот, муносабатида намоён бўлувчи умумий маданиятининг таркибий қисмидир. Миллатлараро мулоқот маданияти миллатлараро муносабат жараёнида намоён бўлади. бу жараёнда у ўз миллатининг вакили сифатида ижтимоий ролда чиқади. Натижада шахс ижтимоийлашув жараёнида ўз халқи узоқ тарихий ривожланиш жараёнида тўплаган маънавий қадриятлар, одоб-ахлоқ, муамала маданияти, мезонларини ўзлаштиради. Икки миллат-икки маданият – икки тилга мансуб кишилар орасида юзага келувчи мулоқотда ана шу фарқлар намоён бўлади. Бу объектив ҳолат. Агарда икки суҳбатдан бир-бирига яқин, фаол борди-келди қилиб келаётган халқлар вакиллардан бўлса фарқлар асосин тилда бўлади. бир-биридан жуғрофий узоқда эшаган миллатлар вакиллари орасидаги мулоқотда бир-бирини англаш мураккаброқ кечади. Улар нафақат бир-бирларининг тилларига тушунмайдилар, балки имо – ишораларнинг ҳам миллийлиги туфайли бир-бирларининг ҳатти ҳаракатларини “нотўғри ўқийди”лар. Бу эса баъзан ноўрингина кудуратларга тушунмовчиликларга олиб келиши мумкин. Масалан лотин америкаликлар, европа халқлари вакиллари мулоқот пайтида суҳбатдошининг кўзларига тик қараб турадилар, осиеликларда эса суҳбатдошнинг кўзига тик қараб туриш (кўзни лўқ қилиб туриш) беадаблик, назокатсизликни англатади. Демак, Ғарб ва Шарқ халқлари суҳбат чоғида кўзлар ҳаракати йўналишини турлича талқин қиладилар.

Ҳозирги даврда ҳар қандай дипломли мутахассисни ҳам диалогда фаол шахс деб бўлмайти, албатта. Ҳақиқий диалог соҳаси вакили бўлиш ватан тарихини, халқ тарихини, жамият тарихини, аجدодларимиз ўтмишини ҳолисона илмий асосда билишдан бошланади. Халқ тарихига, мамлакат кечмишига бирёқлама қараш, яъни ўтмишни бутунлай қора

бўёқларда тасвирлаш ҳам, уни фақат ютуқлардан иборат қилиб кўрсатиш ҳам илмий обоективлик, холислик тамойилига зиддир. Тарихда йўл қўйилган хато ва камчиликлардан келиб чиқиб, унинг сабаблари ва оқибатларини холисона таҳлил қилиш халқ тақдири, мамлакат ривож, табиий-географик муҳит ва иқлимнинг таъсирини тўғри белгилаш, тарих сабоқларидан тегишли хулосалар чиқариш, ватанпарвар, тараққийпарвар ва халқпарвар зиёлилар авлодини тарбиялашда диалог муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда жаҳоннинг у ёки бу бурчагида рўй бераётган воқеа-ҳодисалар ҳақида турли ахборот воситалари орқали тўғридан-тўғри ахборотлар олиш имкониятига эгамиз. Демак, XXI аср – ахборот асри. Унда миллатлараро муносабатлар ҳам янгидан-янги йўналишларда ўзининг ифодасини топади. Ахборот асрида диалог олиб бориш эркинлиги туфайли турли-туман бўш мавзуларни кўтариб чиқавериш ҳам ярамайди. Қонун устуворлигини таъминлаш, унга амал қилиш талаб этилади. Бироқ сўз ва фикр эркинлигини ҳурмат қилмайдиган, унинг ишига мунтазам равишда аралашиб, назорат қилиб турадиган, рейтинг жадвалининг сўнгги эллик ўрнидан жой олган нодемократик давлатлар орасида иқтисодий жиҳатдан анча бақувват мамлакатлар ҳам борлиги ажабланарли ҳол. Чунки кўпчилик сўз ва фикр эркин бўлиши учун, аввало, иқтисод бақувват бўлиши, молиявий масалалар бартараф этилиши лозим деб ўйлайди. Қонундан четга оғиш қанчалик салбий оқибатларга олиб келаётганини дунёнинг турли давлатларида демократия ниқоби остида давлат равнақиға, юрт парокандалиғига олиб келаётган митинглар, учрашувлар ташкил этиш асносида жанжаллар, урушларнинг келиб чиқаётганини мисол қилиб кўрсатса бўлади.

Шуни ҳам алоҳида эътироф этиш лозимки, сўз ва фикр эркинлигини таъминлашнинг демократик жамиятдаги асосий аҳамияти жамоатчилик фикрига таъсир кўрсатиш орқали назоратни амалга оширишдан иборат. Шу ўринда Девид Уэбстернинг қуйидаги фикрларини қайд этиш жоиз: «Матбуот эркинлиги инсонларнинг фаросатсиз, қўпол, қабиҳ, сохта, хатарли, ғашга тегувчи ва нафрат тўла маълумотларни нашр этиш ва эшиттиришда эркин бўлишини ҳам назарда тутади. Бу - озодлик эвазига тўланадиган ҳақ. Миллий айирмачиликни тарғиб этиш ёки миллат ғурурига тегиш, ижтимоий тартибни сақлаш ва атроф-муҳитни муҳофазалаш қонунларини бузиш каби хато ва нуқсонлар озодликни хатар остига қўяди ва уларга қарши қаратилган чора-тадбирларни аниқ белгилаш осон иш эмаслигини англатади»[1]. Шунинг учун ҳам том

маънодаги мутлақ назоратсиз оммавий ахборот воситалари мавжуд эмас ва бўлмайди ҳам. Шу нуқтаи -назардан, оммавий ахборот воситалари фаолиятининг мувозанатини таъминлаш, ўз вақтида озод ва эркин оммавий ахборот воситаларининг салбий таъсирларни бартараф этишга фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш натижасидагина эришиш мумкин. Бу, авваламбор, унинг ривожланган қонунчилик асосидир. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга эканлиги мустаҳамланган. Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга. Диалогнинг кенг оммага етказишда Оммавий Ахборот воситаларининг ўрни беқиёс экан Ўзбекистон Республикасида ҳам диалог жараёни иштирокчиларини бир – бирига боғлашга хизмат қиладиган ушбу соҳа фаолияти ҳам қонун нормалари асосида назорат қилинади. Мақсад, улар мулоқот жараёнида бузғунчиликка, вайронкорликка, юрт парокандалигига хизмат қилмасин. Ушбу қонундан такомиллаштириш мақсадида «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги, «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги, «Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида»ги, «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги, «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Почта алоқаси тўғрисида»ги, «Радиочастота спектри тўғрисида»ги, «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Реклама тўғрисида»ги каби 20 дан ортиқ қонунлар қабул қилинди.

Мулоқотсиз инсоният жамияти бўлиши мумкин эмас. Айнан мулоқот ҳамкорликда фаолият юритувчи индивидлар жамоасини шакллантиради. Ҳамкорликдаги фаолият режасини тузиш ва уни руёбга чиқариш учун индивидлар ўртасида мулоқот амалга оширилиши шарт. Мулоқот воситасида ҳамкорликдаги фаолият ташкил этилади ва амалга оширилади. Айни вақтда фаолият давомида инсонлар ўртасида янги-янги муносабатлар ва алоқалар шаклланади. Демак, мулоқот ва фаолият ўзаро чамбарчас боғлиқдир.

Foydalanilgan adabiyotlar:

- 1 Диалог. Фалсафа: қомусий луғат. -Тошкент: «Шарқ» НМАКБТ, 2004. - 202 б
- 2 Тўраев Б.О. Ижтимоий фалсафа, социология, миллий ғоя ва публицистика. Танланган асарлар 2 жилд. Тошкент. А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2015. -360 б.

- 3 Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг виртуал қабулхонасидан олинган манба. www.pm.gov.uz.
- 4 Уэбстер Дэвид. Акулы-людоеды. - Москва: Армада-пресс, 2001. - 352 с.